

Илоҳий мантиқ



08:41 / 14.04.2025 1331

Абаса воқеасида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қавмнинг обрўли кишиларини даъват қилишларида мантиқ бор эди. Бу мантиқ асосида қавмнинг ожиз кўзлари аъмо кишиси Умму Мактумни даъватидан кўра обрўлиларини танлаган эдилар. Илоҳий мантиқ эса буни рад этди. Эҳтимол, ана шу обрўли кишидан кўра ожиз бир киши ҳидоятга сазовор бўлиши хабар қилинди ва шундай ҳам бўлди.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум исломнинг байроқдори бўлди. Кўз нурларини жаннатни кўришга алишди.

Баъзи ақлга, ҳикматга асосланган мантиқларимизни қаттиқ ушлаб олиб, кибрга берилиб бошқаларни маломат қилмайлик. Баъзи биз билмаган, бизга ёқмайдиган нарсалар устида хайр бордир. Зеро, илоҳий мантиқ, инсоний мантиқдан доим устундир.

Ориф Таскиннинг «Ҳаёт менга шуни ўргатди» китобидан.

Аввал ўзим ҳам бошқа ниятда қўйган постларимни, одамлар бошқа маънода тушунганини кўриб уларни маломат қилардим. Ҳозир эса ўша пайтда айб ўзимда бўлганини улар нотўғри тушунишига сабаб бўладиган даражада ёзганимни тушундим.

Бугун баъзи биродарларимизни мен аввал қилган хатоларни қилишаётганини кўряпман. Аллоҳ уларни ҳам тез орада ислоҳ қилсин.

Қудратуллоҳ Сидиқметов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.